2016 ЙИЛ 14 ИЮНЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 120 (13.183)

Баҳоси эркин нархда

"ЎЗБЕКИСТОННИНГ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ САМАРАДОРДИР"

Сеулда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳасида қўлга киритган муваффақиятлари мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг Корея Республикасидаги дипломатия ваколатхонаси томонидан Тиббиёт арбоблари бирлашмаси (Medical Leaders Corporation, MLC) билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Жанубий Кореяда фаолият кўрсатаётган етакчи клиникаларнинг шифокор ва профессорлари тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртларининг ўқитувчи ҳамда талабалари қатнашди.

Иштирокчилар Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тизимга замонавий ахборот технологияларини ҳамда тиббий ёрдам кўрсатишнинг халқаро миқёсда тан олинган меъёрларини қўллаш, амбулатория хизматларидан баҳраманд бўлиш, имкониятларни янада ошириш борасида эришилган муваффақиятлар билан яқиндан танишдилар.

Шу ўринда мамлакатимизнинг оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилар экан, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастуридан кўзланган мақсад ҳамда вазифалар, унинг ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ барча муҳим маълумотлар давра суҳбати қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Тадбирда сўзга чиққан **Тиббиёт арбоблари бирлашмаси Директорлар кенгаши раиси, профессор Док Чонг** мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолаб, соҳани ривожлантириш стратегияси самарадорлигини алоҳида таъкидлади.

— Мустақилликнинг биринчи кунларидан эътиборан Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг стратегик йўналиши сифатида белгиланган эди, — деди у. — Бу борада амалга оширилган ишларнинг натижалари фуқароларнинг умр кечириши узаяётганида, оналар ва болалар ўлими сезиларли даражада камаяётганида ҳамда ёш авлод вакилларининг интеллектуал салоҳияти ошиб бораётганида намоён бўлмоқда.

Мамлакатда ҳар йили ижтимоий дастурлар амалга оширилади. Масалан, жорий йилда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури зўр муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ушбу дастур доирасида кенг қамровли чора-тадбирлар кўрилаяпти. Болалар ўртасида жисмоний тарбия ҳамда спортни кенг оммалаштириш, уларнинг, айниқса, қиз болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этилиши эътирофга лойиқдир. Бу мамлакатда жисмонан ва маънан соғлом авлоднинг вояга етишига кўмаклашади.

Ўз навбатида, **Сеул миллий университети клиникасининг Акушерлик ва гинекология кафедраси профессори Ким Жун Гу** ҳам Ўзбекистонда 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши диққатга сазовор эканлигини қайд этди.

— Ўзбекистон тиббиёт тизимининг ривожланишига Жанубий Корея ҳам ўз ҳиссасини қўшаётгани қувонарлидир, — деди у. — Жумладан, мамлакатимиз компаниялари билан ўзаро ҳамкорликда Тошкентда IV даражадаги кўп тармоқли болалар клиникаси қурилмоқда. Мазкур муассаса қурилиши ниҳоясига етганидан сўнг у ўз йўналиши бўйича МДҲ ҳудудидаги ягона шифохона бўлади. Умид қиламанки, икки давлат ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик бундан кейин ҳам изчил давом эттирилаверади.

"Жаҳон" АА
Сеул

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



МАГИСТРЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Маълумки, мамлакатимиз истиқлолга эришганидан сўнг, давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимига катта эътибор қаратила бошланди. Айниқса, мазкур соҳадаги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ўқитиш сифати ва мазмунини янги поғонага кўтариш, малакали кадрлар тайёрлашнинг замонавий механизмини яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди.

Куни кеча Тошкент Тиббиёт академиясида магистрлик дипломларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан Тошкент Тиббиёт академияси ректори, академик Шавкат Каримов ва бошқалар мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида кадрлар тайёрлаш масаласига қаратилаётган эътибор ва бу борада эришилаётган ютуқлар ҳамда тиббиёт тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг олий мақсади – инсониятга хизмат қилиш эканлиги, қолаверса, ҳозирги пайтда шифокорларга таълим беришда замонавий технологиялар ўрнининг беқиёслиги, академияда ҳам ушбу йўналишда катта ишлар қилинаётганлиги ҳақида алоҳида тўхталиб, магистрлик дипломига эришган ёш мутахассисларни самимий қутлашди.

— Жорий йилда Тошкент Тиббиёт академиясида 44 та йўналиш бўйича 237 нафар ёш мутахассис магистрлик дипломига сазовор бўлди. Магистратурадаги таълим талабаларимизга назарий ва амалий билимларини бевосита клиникаларимизда олишларига имкон берди. Мазкур амалий машғулотлар халқаро стандартларга асосланган интерактив усулда олиб борилди. Ана шундай шароитларда таҳсил олган илму толибларимизни магистрлик унвонига эришганликлари билан чин дилдан муборакбод этган ҳолда, ўз касбининг моҳир усталари бўлиб етишишларини истаб қоламан, — дейди Тошкент Тиббиёт академияси илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори Аъзамжон Маҳмудов.

Шунингдек, тантанали маросим давомида магистрлик дипломини қўлга киритган бир гуруҳ ёш шифокорлар билан суҳбат қуришга муваффақ бўлдик.

— Бугун мен учун ниҳоятда унутилмас кун, — дейди умумий хирургия йўналиши бўйича таҳсил олган магистр Жавлонбек Абдуллаев. — Чунки, ўзим ёшликдан ният қилган олий ўқув юртининг магистрлик дипломини қўлимга олдим. 3 йил давомида устозларимдан жарроҳлик илмини пухта эгаллашга ҳаракат қилдим. Олган билим ва кўникмаларимдан келгусида ҳамюртларимиз соғлиғини тиклашга қаратиб, уларнинг ишончини оқлайман, деган умиддаман.

— Мен магистратурада суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи йўналиши бўйича таълим олдим, — дея суҳбатга қўшилади магистр Замира Таджиева. — Тажрибали мутахассислар раҳбарлиги остида магистратурада суд тиббиёти илмининг сир-асрорларини ўргандик. Келажакда биз илмий-тадқиқот муассасалари, ишлаб чиқариш бирлашмалари, давлат бошқарув органлари, соғлиқни сақлаш, профилактик тиббиёт корхоналарида ўз фаолиятимизни давом эттирамиз.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, мамлакатимизнинг энг муҳим бойлиги саналган аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, келажак авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун ўзларининг амалий саъй-ҳаракатлари билан ҳисса қўшишга тайёр турган ёш шифокорларга келгуси фаолиятларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Д.ИСМОИЛОВ
Козимжон Ўлмасов олган сурат

Пойтахтимизда мамлакатимиздаги олий таълим жараёнини такомиллаштиришга бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда олий таълим муассасалари ректорлари, педагоглар, хорижлик мутахассислар иштирок этди.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бош илмий-методик маркази директори Ў.Бегимқулов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида олий таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниши натижасида олий ўқув юртларининг илмий ва педагогик салоҳияти ҳамда моддий-техник базаси такомиллашиб бораётганини таъкидлади. "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури малакали кадрлар тайёрлашнинг замонавий моделини яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш, бу борада хорижлик мутахассислар билан тажриба алмашиш, ўқув-режа ва дастурларни модернизациялаш ва такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони таълим тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Халқаро стандартлар асосида такомиллаштирилган ўқув-режа ва дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида Европа комиссиясининг "Эрасмус+" модернизация жараёнларида техник ҳамкорлик дастури доирасида самарали ишлар йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ушбу лойиҳа доирасида Буюк Британия, Греция, Латвия ва бошқа давлатларнинг нуфузли университетлари билан ҳамкорлик ўрнатган. "Ўзбекистонда олий таълим жараёнларини модернизациялаш ва интернационаллаштириш" лойиҳаси доирасида педагог кадрларнинг касб маҳоратини ошириш, олий таълимнинг турли соҳалари бўйича таълим беришнинг узвийлигини таъминлаш, илғор хорижий тажрибалар асосида таълим дастурларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда "Мустақиллик: парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг назарий-ҳуқуқий асослари" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Тошкент вилояти Чиноз туманида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Ватан равнақи йўлида барчамиз масъулмиз" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, фахрийлар ва ёшлар иштирок этди.

● Бухородаги "Ситораи Моҳи Хоса" санаторийсининг 200 ўринга мўлжалланган олти қаватли ётоқхона бинoси мукаммал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг манзилли дастурига асосан, мукаммал таъмирдан чиқарилган муассаса бир пайтнинг ўзида 400 дам олувчини қабул қилиш имкониятига эга. Соғлом она ва бола йили муносабати билан санаторийда 30 оилавий хона ҳам ташкил этилди. Шунингдек, қуруқ ҳаво билан даволаш бўлими фаолияти янада такомиллаштирилди.

● Самарқандда вилоятдаги олий таълим муассасалари талабаларидан иборат "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати аъзоларини қурилиш объектлари, корхона ва ташкилотларга ишга кузатиш маросими ўтказилди. Тадбирда вилоятдаги саккиз олий таълим муассасасининг 300 дан ортиқ талабасидан иборат дастлабки гуруҳлар меҳнат объектларига кузатилди.

ЖАҲОНДА

● Швециянинг SAS авиакомпанияси ходимларининг иш ташлашлари натижасида 220 та ҳаво рейси бекор қилинди.

● Махачқалъада ҳаракатланаётган полиция машинасининг атрофида бомба портлатилган бўлсада, бироқ ҳеч ким жабрланмади.

● АҚШнинг Арканзас штатида бир моторли самолёт ҳалокатга учради. Оқибатда бир киши қурбон бўлди, яна бири жароҳатланди. Воқеа сабаблари ўрганиляпти.

● 2015-2016 йилги мавсумда бутун жаҳондаги ишқибозлар ўртасида Испаниянинг "Барселона" жамоасининг ҳужумчиси Лионель Месси номи туширилган футболка энг оммабоп бўлди. Яъни, шундай футболкаларнинг савдоси 1,985 миллион донани ташкил этди. Бу борада кейинги ўринларни "Реал" (Мадрид) ҳужумчиси Хамес Родригес ҳамда Лондоннинг "Челси" командасининг ярим ҳимоячиси Эден Азарлар эгаллашди.

ТИББИЙ СУҒУРТА ХИЗМАТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида тиббий суғуртага оид қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар ва суғурта компаниялари ходимлари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ё.Умаров, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Худоёров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар аҳолига жаҳон андозалари даражасида тиббий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Тиббий суғурта хизмати тобора ривожланиб бораётган соҳалардан бири бўлиб, инсон саломатлигини муҳофазалаш, аҳолининг малакали тиббий ёрдамдан бахрамандлигини ошириш, тиббий хизматни замонавийлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Мамлакатимизда мазкур суғурта турини ташкил этишнинг зарур механизмлари яратилган. Бугунги кунда йигирмага яқин суғурта компанияси бу йўналишда аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Илм-фаннинг кундан-кунга тараққий этаётгани, соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотлар чуқурлашаётгани тиббий суғурта хизмати кўрсатишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини янада такомиллаштиришни талаб этаётир. Шундан келиб чиқиб, депутатларимиз, олимлар, соҳа мутахассислари ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш устида иш олиб бормоқда.

Давра суҳбатида аҳолига тиббий суғурта хизмати кўрсатишда миллий ва хорижий тажриба, мамлакатимизда бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар натижалари, тиббий суғурта хизматини такомиллаштириш, бу йўналишдаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан фикр алмашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари самарасида замон талаблари асосида хизмат кўрсатиш имкониятига эга кўплаб меҳмонхоналар қад ростлади.

Шаҳрим — фахрим



МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
25
O'ZBEKISTON

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС ЯНА БИР КОШОНА

Бугунги кунда биргина пойтахтимизда халқаро стандартлар асосидаги мувофиқлик сертификатига эга 40 дан зиёд меҳмонхоналар мавжуд. Уларнинг аксарияти тўрт ва беш юлдузли меҳмонхоналардир.

Ўлкамизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, қадимий обидалари, хушманзара табиати, бетакрор маданияти ва анъаналари жаҳон сайёҳларини ўзига тобора кенгроқ ром этмоқда. Сайёҳлик соҳасини жадал ривожлантириш, юртимизга келаётган чет эллик сайёҳлар оқимини янада кенгайтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилиб, дам олиш масканларида замонавий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Жаннатмакон юртимизнинг қадимий шаҳарлари сайёҳлик борасида улкан салоҳиятга эга. "Ўзбектуризм" миллий компаниясидан маълум қилишларича, мамлакатимизда сайёҳларга хизмат кўрсатувчи компаниялар, тур-операторлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда 865 та сайёҳлик ташкилоти, жумладан, 374 та меҳмонхона фаолият юритаётир.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида пойтахт меҳмонхоналари сафига жаҳон стандартлари талабларига жавоб бера оладиган янги бир муҳташам иншоот қўшилмоқда.

Қад ростлаган меҳмонхонани кўздан кечирамиз. Қурувчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаяпти. 2-6 қаватдаги меҳмонлар учун хоналар энг сўнгги услубда жиҳозланган. Юқоридан бемалол шаҳримизни кузатиш мумкин. 7-қаватга замонавий лифтда кўтариламиз. Бу қаватда асосан ташриф буюрувчилар учун тренажёр зали, бассейн, сауна, спорт билан шуғулланиш бўлимлари жойлашган.

Пастда мармар, гуллар, фавворалар, кечаси ёруғлик берадиган тошлар ўрнатилган.

— Ушбу қурилишнинг бошланишидан иштирок этиб келаяпмиз, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Тоир ака Дадахонов. — Меҳмонхона 7 қаватдан иборат, замонавий усулда қуриляпти. Бинонинг асосий қисмига энг замонавий қурилиш материаллари ишлатилди. Бригадамиз аъзолари пойдевордан бошлаб, бинони тиклаш билан боғлиқ барча ишларда қатнашди. Пойтахтимиздаги йирик-йирик иншоотларнинг қурилишида бизнинг 12- трест қурувчиларининг ҳиссаси катта.

Меҳмонхона замонавий мебель билан жиҳозланаяпти. Унинг 44 таси люкс хоналардан иборат. Меҳмонхонанинг энг катта устунсиз анжуманлар зали майдони 855 кв. метрни ташкил қилади. Бундан ташқари меҳмонхонада анжуман ва учрашувлар ўтказиш учун алоҳида марказ ташкил қилинган, ундан халқаро конференция ва фестивалларни ўтказишга мўлжалланган зал ҳам ўрин олади.

— Дунё бўйича кўплаб мамлакатларда бўлганман, — дейди Жанубий кореялик меҳмон Донг Сун Чхае, — Ўзбекистонга ҳам тез-тез келиб тураман. Бугун Ўзбекистонни бутун дунё яхши билади. Юртингизда тинчлик-осойишталик барқарор, барча соҳаларда улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Сайёҳлик инфратузилмаси анча ривожланган. Буни айниқса, қад ростлаётган кўплаб замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари мисолида кўриш мумкин. Ўзбекистонда жаҳон талабларига мос, юқори сервис хизмати йўлга қўйилган меҳмонхоналар сафи кенгайиб бораётганига гувоҳман.

Меҳмонхона бизнеси ва сайёҳликни ривожлантириш жараёнида кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм йўналишидаги коллежлар, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг сайёҳлик факультети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳамда пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида сайёҳлик маркетинги, халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Мазкур таълим даргоҳларида ташкил этилган махсус меҳмонхона марказлари талабаларнинг назарий билимларини амалда мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Соҳада чет эллик шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай шароитлар яратилган. Бу борада "Ўзбектуризм" миллий компанияси томонидан ташкил этилаётган маркетинг лойиҳалари – мега-инфо-турлар яхши самара бермоқда.

Тинчлик, осойишталик ҳукм сураётган юртга байрамлар, бунёдкорлик ишлари ярашади. Hyatt Regency меҳмонхонасининг ишга туширилиши пойтахтимиз чиройига кўрк қўшгани ҳолда мамлакатимизда туризм соҳасида хизмат кўрсатиш даражаси юксалаётганидан далолат беради.

З.ШАРИФЖОНОВ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Анжуманда жорий йил апрель-май ойларида Европа университетларининг етакчи профессорлари билан ҳамкорликда мамлакатимиздаги таянч олий таълим муассасалари ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари профессор-ўқитувчилари учун ўтказилган семинар-тренинг натижалари таҳлил этилди.

– Ўзбекистонда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизими тубдан такомиллаштирилаётганига гувоҳ бўлдим, – дейди ЎзА мухбирига Латвиянинг Резекне технология академияси профессори Велта Любкина. – Булар юртингизда ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Конференцияда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар хусусида фикрлашилди.

Г.САТТОРОВА

Яшнобод тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

ЯШНОБОД ТУМАНИДА 2016 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги "Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан "ишсиз" деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг 2016 йил 17 майдаги 01-04/265-сон хати билан берилган таклифини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Яшнобод туманида 2016 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан,

бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларни жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (О.Эргашев):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Яшнобод туман ҳокимининг 2015 йил 18 февралдаги "Яшнобод туманида 2015 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисида"ги 81-сонли қарори ўз кучини йўқотганлиги инобатга олинсин.

5. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (Х.Хакимов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Яшнобод тумани тармоқ администратори (У.Тошбоев):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.vashnobod.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Асқаров зиммасига юклансин.

Яшнобод тумани ҳокими
Ф.Хакимов

2016 йил 30 май

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, интернет ва электроника даврида иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, "Электрон ҳукумат" тизими фаолиятини янада ривожлантириш устувор аҳамиятга эга.

Янги қонун кучга кирди

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ: ОЧИҚ ВА САМАРАЛИ МУЛОҚОТ ВОСИТАСИ

ЎзА мухбирининг Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги **"Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази директори Шерзод ҲАБИБУЛЛАЕВ** билан суҳбати соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳамда 2016 йил 10 июндан кучга кирган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун моҳияти ҳақида бўлди.

– Ахборотлаштириш – бу тараққиёт йўлидаги устувор масалалардан бири ҳисобланади, – дейди Ш.Ҳабибуллаев. – Президентимиз раҳнамолигида жамиятни ахборотлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани иқтисодиётнинг ривожланишига, халқимиз ҳаёт даражаси янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда ҳар юз оиланинг деярли ярми шахсий компьютерига эга. Ҳар бир оилага иккитадан ортиқ мобиль телефон тўғри келади. Муҳими, аҳолимизнинг ярмига яқини интернетдан фойдаланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори соҳада ўзига хос бурилиш ясади. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузурида "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази фаолияти йўлга қўйилди.

2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастурига мувофиқ иқтисодиётнинг барча соҳаларида ахборот-коммуникация технологиялари изчил жорий қилинмоқда. Ахборот ресурслари, тизимлари ва тармоқларининг яратилиши жадаллашди. Натижада аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари сони ва сифати ошмоқда.

Бу жараёнларнинг барчасини ўзида жамлаган электрон ҳукумат давлат ва жамият ўзаро ҳамкорлигининг муҳим воситасига айланаётир. Мазкур тизим давлат органларида фойдаланилаётган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини интеграциялашга замин яратди. Бу давлат бошқаруви самарадорлигининг ошиши, давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида ҳужжатларни тайёрлаш ва уларга ишлов беришга кетадиган вақт ва меҳнат харажатларини қисқартирмоқда.

Электрон ҳукумат давлатга нафақат иқтисодий фойда келтиради, балки давлат бошқарувида очиқликни таъминлаш орқали халқнинг унга бўлган ишончини оширади.

– Жорий йил 10 июндан кучга кирган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун қандай имкониятлар яратади?

– Мамлакатимизда электрон ҳукумат соҳасида муносабатлар вужудга келиши "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқишни тақозо этди. Қонун электрон ҳукуматнинг вазифа ва принципларини, ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солишни амалга оширувчи органлар ва уларнинг ваколатларини белгилаб берди.

Мазкур қонунга мувофиқ, электрон ҳукумат – давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизимидир.

Қонунда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги барча масалаларни ўз ичига олган электрон ҳукуматнинг асосий вазифалари аниқ белгиланган. Электрон ҳукумат биринчи галда давлат органлари фаолиятининг самарадорлиги ва тезкорлигини таъминлайди. Уларнинг масъулияти ва ижро интизомини кучайтиради. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратиш каби вазифаларни амалга оширади.

Қонунда электрон давлат хизматларини кўрсатиш тартибларига оид талаблар, жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон давлат хизматларини олиш чоғидаги ҳуқуқлари, электрон давлат хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолашни амалга ошириш тартиби белгиланди. Қонун нормаларига сўзсиз риоя этилиши давлат органларининг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтиради.

Қонуннинг кучга киргани электрон ҳукуматнинг ягона инфратузилмасини яратишга, электрон давлат хизматларини кўрсатишга қаратилган инновацион технологияларни жорий қилишга кенг йўл очди. Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларини давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг оддий, тезкор ва қулай бўлишига, давлат бошқаруви самарадорлиги янада ошишига имкон яратди.

– Ахборотлаштириш миллий тизимида "Электрон ҳукумат" марказининг ўрни қандай?

– Ахборотлаштириш миллий тизими шаклланишида "Электрон ҳукумат" маркази фаолияти йўлга қўйилгани муҳим ўрин тутмоқда. Марказимизнинг бош ҳамкори АКТ соҳасида дунёда етакчи давлатлардан бири бўлган Корея Республикаси ҳисобланади. Мазкур мамлакат билан ҳамкорлик ўрнатилгани, ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилгани ўз самараларини бермоқда. KOICA ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида мутахассислар малакаси оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон – Япония маркази билан ҳамкорликда ёш кадрлар билим ва малакаси оширилмоқда. Швейцария, Жанубий Корея, Хитой, Малайзия, Россия каби давлатларда мутахассислар тажриба орттирмоқда. Улар ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, расмий веб-сайтларни белгиланган қонунчилик талабларига мувофиқлаштириш борасида тизимли ишларни амалга ошираётир.

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини баҳолаш рейтинги натижаларига назар ташлайдиган бўлсак, бу борада йилдан йилга самарадорлик кўзга ташланаётир. Жорий йилнинг биринчи чораги якуни бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рейтинг кўрсаткичи ўртача 82,30 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2015 йил якунига нисбатан 3,61 фоизга, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 11,79 фоизга ошди.

Ахборотлаштириш ва АКТни жорий этишда бошқарув жараёнларининг автоматлаштириш даражаси 2014 йилда 38,9 фоизни, 2015 йилда эса 61,1 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқариш жараёнида сўнгги бир йил давомида автоматлаштириш даражаси 43,9 фоиздан 50,8 фоизга кўтарилди. Ахборотлаштириш жараёни мониторингини олиб бориш мақсадида nis.uz тизими ишга туширилди. Тизимда 45 давлат органи рўйхатдан ўтган.

– Марказда яратилган ахборот тизимлари, улар орқали кўрсатилаётган хизматлар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?

– Миллий ахборот тизимини ривожлантириш доирасида 6 маълумотлар базаси ва 12 комплекс ахборот тизими ишлаб чиқилмоқда. 2015 йил 20 мартда Ўзбекистон Республикаси Давлат очиқ маълумотлари портали ишга туширилди. Ушбу портал интернет тармоғида очиқ маълумотларни юклаб олиш учун ягона нуқта вазифасини бажармоқда.

Миллий ахборот-коммуникация тизимини яратиш мақсадида 2015 йил 1 июлда Давлат хизматлари ягона реестри ишга туширилди. Бугунги кунга келиб реестрда 800 дан ортиқ давлат хизмати рўйхатдан ўтган.

Комплекс ахборот тизимларидан "Тадбиркорлик кабинети" ишга туширилган. Ҳозир ундан 1,5 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти фойдаланмоқда.

"Клиринг" ахборот тизими жисмоний шахслар, тадбиркорлик субъектлари учун тўловларни, шунингдек, хизмат кўрсатувчи провайдерларни, онлайн тўловлар, банклар учун чакана тўловлар ва комиссиясиз банк тўловларини бажарадиган марказлашган тизимдир. "Солиқ" – солиқ органлари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифати ва очиқлигини таъминлади. "Божхона" – ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун божхона ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнларини қулайлаштирди.

Бундан ташқари, "Харид", "Бюджет", "Нафақа", "Протез", "Агромониторинг", "Инспекция" каби ахборот тизимлари ҳам ишга туширилган бўлиб, улар шу соҳаларга оид маълумотларни олиш имконини бериб, ушбу йўналишларда хизмат кўрсатишни яхшиламоқда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг маълумотлар базалари яқинда ишга туширилади.

– Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари қайси электрон хизматлардан кўпроқ фойдаланмоқда?

– 2015 йилда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилаётган хизматлар сони қирқтага қўпайиб, уларнинг умумий сони 260 дан ошди. Жорий йилнинг ўтган даврида давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан 600 мингдан зиёд мурожаат электрон шаклда қабул қилинган. Шулардан 98 фоиз мурожаат кўриб чиқилган, қолганлари кўриб чиқилмоқда.

2014 йил январь ойидан буён 53,4 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти Ягона порталда рўйхатдан ўтди. Бу Ягона портал ёрдамида бир йилда ўртача 10 тоннадан зиёд қоғоз ва фуқароларнинг вақти тежаб қолинаётганини англатади.

Электрон ҳукумат тизимини янада такомиллаштириш мақсадида давлат хизматлари Ягона реестри шакллантирилди. Унда 95 давлат ва хўжалик бошқаруви органи ўрин олган. Энди турли юмуш ва хизматлар юзасидан ҳужжат тўлдириш ишлари янада соддалашди. Яқин йилларда хизмат фойдаланувчилари электрон бланкалардан фойдалана бошлайди. Бу давлат идоралари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг бутунлай электрон шаклга кўчишини таъминлайди.

Барча ҳудудларда тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш марказлари фаолияти йўлга қўйилгани тадбиркорларга катта қулайлик яратди. Ушбу марказлар замонавий компьютер техникаси билан таъминланган. Улар локал ва интернет тармоқларига, идоралараро электрон ҳужжат айланиши тизимига уланган. Ушбу марказлар орқали тадбиркорлик субъектларига 16 турдаги давлат хизмати кўрсатилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда электрон муносабатларнинг жадал ривожланаётгани, бунинг учун зарур шарт-шароитлар таъминлаб берилаётгани барча учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди







Ўзбекистон ёшлар мамлакати ҳисобланади. 31 миллионли аҳолининг учдан бир қисмини 18 ёшгача бўлган фарзандларимиз ташкил этади. Уларнинг 7 ёшдан 19 ёшгача бўлганлари умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таълим олади. Чунки бизда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган. Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, Мустақиллик соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар очиб берди. Замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган янги авлодни тарбиялаш мақсадида улкан ишлар амалга оширилди.

Долзарб мавзу

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ТАРБИЯСИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Фақат сўнгги 5-6 йилда мамлакатимизда 300 га яқин болалар мусиқа ва санъат мактаби, 500 дан ортиқ спорт иншооти ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзаси қурилди ва реконструкция қилинди. Бугунги кунда 2 миллион нафар фарзандларимиз спорт билан мунтазам шуғулланяпти. Бунинг ярмига яқини – қизларимиз экани ҳаммамизни қувонтиради. Жумладан, шаҳримизда ҳам бу борада салмоқли ишлар қилинди. 2003-2015 йилларда жами 119 та спорт иншоотлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари фойдаланишга топширилди. Шулар қаторида 7 та ёпиқ, 15 та очиқ сузиш ҳавзаси капитал таъмирланди, 28 та болалар мусиқа ва санъат мактаби тўлиқ реконструкция қилинди, иккитаси бунёд этилди. 2014-2015 йилларда иккита ёпиқ турдаги сув ҳавзаси қуриб битказилди.

Бугунги кунда пойтахтда жами 82 минг 568 нафар ўғил-қизлар спорт билан доимий шуғулланиб келмоқда. Уларнинг 20,1 фоизини қизлар ташкил этади. Спорт билан умумий машғул бўлиб келаётган ёшлар сони эса 194 минг 944 нафардан иборат. Ҳозирда 2003 йилга таққослаганда спорт билан шуғулланаётган фарзандларимиз сони 3-4 баравар ошган. Шу тариқа соғлом турмуш тарзи ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётир.

Барчамизга маълумки, мактабларнинг юқори синфлари ҳамда лицей ва коллежларда ўқиётган болалар жисмоний-психологик жиҳатдан мураккаб ўсмирлик даврини бошидан кечиради. Бу ҳар бир болада ҳар хил кечади, албатта. Бизда таълим билан тарбия ўзаро узвийликда, яъни бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб бориляпти. Бу ҳақда Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарларида шундай сўзларни ўқиймиз: **"Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси".**

Тарбия эса – узвий тушунча. Бу шундай соҳа ҳисобланадики, агар бир кун болага эътиборни пасайтирсак, катта муаммо юзага келиши мумкин.

Мана, юртимизда ўқув йили тугаб, ўқувчиларнинг ёзги таътиллари бошланди. Фарзандларимиз энди уч ой ҳордиқ чиқаришади.

Хўш, улар ёзги таътилни қаерда, қандай, ўтказади? Нима билан шуғулланади? Уларнинг тарбияси учун ота-оналар масъуллигининг ўзигина етарлими? Ёки ўз ўқувчиларининг таътили мазмунли ўтиши учун масъулликни фақат улар ўқийдиган таълим муассасасининг ўзигагина юклаб қўйиш мумкинми қабилидаги саволларнинг туғилиши табиий. Ёзги таътилда қандай қилиб бу ёшларнинг бошини қовуштирамиз? Бекор қолган ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш учун айнан нималар қилишимиз керак?

Бу саволлар бугун ҳаммани, яъни бутун жамиятни ўйлантириши – табиий. Айнан шунинг учун ҳам жорий йилнинг 27 май куни Тошкент шаҳар ҳокимининг **"2016 йилнинг ёз мавсумида болаларнинг дам олишини таъминлаш ва уларни соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлари тўғрисида"**ги 83-сонли фармойиши қабул қилинган эди.

Шу йилнинг 3 июнь куни эса Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси ва ИИББ, Фавқулодда вазиятлар ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, Халқ таълими ҳамда Меҳнат бош бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими, Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими, "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан **Тошкент шаҳрида 2016 йилнинг ёзги таътил мавсумида таълим муассасалари ўқувчиларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда маҳаллада истиқомат қилаётган уюшмаган ёшлар билан маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, ёшлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кучайтиришга қаратилган қўшма қарор** қабул қилинди.

Бу қарор Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 декабрдаги 65-сонли, 2016 йил 22 мартдаги 24-сонли мажлислари қарорлари ижросини таъминлаш, Тошкент шаҳридаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган ҳамда маҳаллаларда истиқомат қилаётган уюшмаган ёшлар орасида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш, ёзги таътил даврида, айниқса, таълим муассасалари ички рўйхатига олинган, шунингдек, ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турадиган ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва назоратсизликнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Мазкур қўшма қарорда вазифалар аниқ-равшан қилиб белгилаб берилган.

Биринчи галда таълим муассасаларида ички рўйхатга олинган ҳамда ички ишлар идоралари профилактик ҳисобида турувчи ўқувчиларнинг ёзги таътил даврида бандлигини таъминлаш чораларини кўриш керак. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаган ёшлар ҳақида қайғуриш лозим. Таълим муассасаларида ташкил этилган ёзги оромгоҳлар ва ўйингоҳлар, тўгараклар, интернет-кафелар фаолиятини мунтазам равишда ўрганиб бориш зарур. Бунинг учун шаҳар мониторинг ишчи гуруҳи, унинг туман гуруҳлари тузилган.

Қарорда туман мониторинг гуруҳи зиммасига, шунингдек, тегишли идора ва ташкилотларга кўплаб вазифалар юклатилган. Маҳаллаларда ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаган, уюшмаган ёшларни аниқлаб, уларнинг бандлигини таъминлаш, таълим муассасаларида ташкил этилган оромгоҳлар ҳамда спорт-соғломлаштириш майдончаларини, тўгараклар, маҳаллада жойлашган интернет-кафелар иш фаолиятининг тегишли органлар томонидан мониторинг қилинишини мавсум давомида ҳар ўн беш кунда доимий ўрганиб бориш; оромгоҳлар ҳамда спорт-соғломлаштириш майдончаларининг ишлаш вақти (кун давомида бошланиши ва якунланиши), тўгаракларга жалб этилган болаларнинг сони, тадбирларнинг болаларга мос ва қизиқарли бўлиши, жиҳозланиши борасида ички ишлар ходимлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди фаоллари, таълим муассасалари ходимлари ҳамда "Камолот" ЁИҲ етакчилари бириктирилиб, улар томонидан ҳамкорликда ишлар олиб борилаётганига алоҳида эътибор қаратиш ва бошқа вазифалар шулар сирасига киради.

Энг муҳими, бу ишларни амалга оширишда кучларни бирлаштириш, фаолиятларни мувофиқлаштириш зарур. Ҳужжатда бунинг йўл-йўриқлари тайин этилган.

Маънавият тарғибот маркази, Маданият ва спорт ишлари бўлимлари билан ҳамкорликда болаларга мос, қизиқарли дастурлар ишлаб чиқиш, унда халқимиз асрлар давомида интилиб яшаган ва курашган, *мустақиллик* деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини теран идрок этиш, истиқлол даврида босиб ўтган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, кенг кўламли ислоҳотларимиз, кўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини ёшларга етказиш, уларни янги марралар сари руҳлантириш, ёшларга берилаётган эътиборни янада кучайтириш, маданий-маърифий тадбирлар орқали ёшларда Ватанга бўлган муҳаббат ҳиссини оширишга қаратилган қисқа ҳажмдаги видеолавҳалар, маърузалар, қизиқарли викториналар ташкил этилиши лозим.

"Камолот" ЁИҲ Кенгашлари "Ёзни "Камолот" билан ўтказ!" лойиҳасини ушбу қўшма қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаши зарур. Унда "Камолот"нинг барча етакчиларини жалб қилган ҳолда болаларни қизиқтирадиган спорт ўйинлари, зиёлилар, ижодкорлар ва спортчилар билан учрашувлар, маҳорат сабоқлари кўрик-танловларини ўтказиш ҳамда ғолибларни тақдирлашни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам ушбу хайрли ишдан четда турмаслиги керак. Улар ҳудудда жойлашган оромгоҳлар, спорт майдончалари фаолиятини мунтазам ўрганиш, маҳаллада истиқомат қилаётган ёшларнинг ушбу дам олиш масканларига фаол қатнашларини ташкил этиш, уюшмаган, фойдали меҳнат билан банд бўлмаган ёшларни Меҳнат бош бошқармаси, профилактика инспектори, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш билан таъминлашни ташкил этиши зарур.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳозирги кунда шаҳарда 36 та мактаб қошидаги кундузги оромгоҳлар мавсумга тайёр ҳолатга келтирилди. Уларнинг фаолияти 2016 йил 13 июндан 5 августгача давом этади ва 16000 нафар ўқувчи дам олиши режалаштирилган. Оромгоҳлар 4 та мавсум давомида 10 кундан (шанба-якшанба дам олиш куни) фаолият кўрсатади. Кундузги оромгоҳларнинг кунлик фаолияти даври 8.30 дан 14.10 га қадар давом этади.

Кундузги оромгоҳларда улар ташкил этиладиган таълим муассасаларининг жами 790 нафар педагог ходими фаолият кўрсатади.

Ҳар бир оромгоҳда 8-12 тагача тўгарак ва спорт секциялари ташкил этилади. Шунингдек, жорий йилда ҳам барча оромгоҳларда чет тили тўгарак машғулотлари фаолият юритади.

